



XVI аср охири ва XVII аср бошларида кечган кескин ижтимоий-сиёсий воқеалар интихосида Мовароуннахрда янги сулола – Аштархонийлар сулоласи қарор топди. Бу давр воқеаларида Накшбандия тариқати пирлари сиймоси яққол кўзга ташланади. Сўнгги шайбоний ва илк аштархоний ҳукмдорлари оғир вазиятларда мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш учун шайхларнинг диний обрўидан фойдаланишга интилдилар.

Ўз даврининг кўзга кўринган шайхи, Накшбандийлик тариқати пирларидан бири Ҳазрат Хўжа Имганакий (1512-1602) фаолиятида маънавий-рухий томонлар билан бирга ижтимоий-сиёсий қирраларни ҳам кузатиш мумкин. Ўттиз йиллик шайхлик маснадида турган даврда кўпгина подшоҳлар бу зоти шариф остонасига келиб, унинг дуосига мушарраф бўлдилар ва баъзи масалаларни ҳал қилишда шайх маслаҳатига таяндилар.

Аштархонийлар сулоласининг биринчи вакили Бокимухаммадхоннинг (Султон Бокий) (1601-1605) олий ҳукмдор бўлишига Хўжа Имганакийнинг панд-насихатлари, йўл-йўрик ва кўрсатмалари кўл келди [\[1\]](#) . Маълумки, шайбонийлар давлатининг ҳукмдори Абдуллахон II (1557-1598) вафот этгач, тож-тахт унинг ўгли Абдулмўминга (1567-1598) ўтди. Абдулмўминнинг каттиккўллик билан юргизган сиёсатидан норози бўлган гуруҳлар олти ой ўтгач, Зоминда уни ўлдирдилар [\[2\]](#) .

Шундан сўнг шайбонийлар салтанатида бебошлик бошланади. Бухоро тахти Абдуллахон II нинг амакиваччаси, Жонибек султоннинг ўгли Пирмухаммад II ибн Сулаймон султон (1598-1601) кўлига ўтди. Балх Аб дуламин, Хирот ва Марв эса Абдуллахон II нинг опаси Зухраҳоннинг ўгли Динмухаммадхон тасарруфига кирди. Динмухаммадхон халок бўлгач, унинг икки укаси – Бокимухаммад (1601-1605) ва Валимухаммад (1605-1611) Хуросондан Бухорога келдилар. Бу вақтда Бухоро остоналарида козок хони Таваккалхон (1586-1598) билан Бухоро хони Пирмухаммад II ўртасида конли жанглар кетаётган эди. Огир жанглардан сўнг сулх тузилиб, унга мувофик, Пирмухаммадхон Таваккалхонга Тошкентни берди [\[3\]](#) .

1599 йилдаги жангларда Пирмухаммадхон II томонида туриб жасорат кўрсатгани учун Бокимухаммадхонга Самарканд ҳукмронлиги ҳадя этилди. У Самаркандда мустахкамланиб олгач, Пирмухаммадхон II га бўйсунмай кўйди ва мустакил ҳукмдорга айланди. Бу нарса Пирмухаммадхон II га маъкул бўлмади ва у Самаркандга, Бокимухаммад устига юриш қилишни режалаштира бошлади [\[4\]](#) .

Бокимухаммадхоннинг муҳолиф билан жанг қилишга етарли қуввати йўқ эди. Шу боис, у Хўжа Имганакийга мурожаат этиб, икки ўртада воситачилик қилишни ва Пирмухаммадхон II ни ўз ниятидан қайтаришни сўрайди. Хўжа Имганакий Пирмухаммад II олдига бориб, панд-насихат қилди, Самарканд тахти даъвосидан воз кечишни сўради. Лекин шайх илтимоси қабул қилинмади. Хўжа Имганакий Бокимухаммадхон олдига қайтиб, унга инсоф-адолат билан иш юритишни, халкка озор бермасликни ва зулму ситам қилмасликни буюрди ҳамда Пирмухаммадхон II билан бўладиган муҳорабада зафар қучишини башорат қилиб, дуога кўл очди [\[5\]](#) .

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу тарихий жанг Самарканд яқинидаги Богишамол мавзеида 1601 йилда бўлиб ўтди. Боки Мухаммадхон ўзининг тўрт минглик қўшини билан Пирмухаммадхон II нинг эллик минг қўшини устидан галаба қозонди ва Мовароуннахр тахтини узил-кесил эгаллади [\[6\]](#) .

Шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнгги ва аштархонийлар ҳукмронлигининг дастлабки даврларида Жўйбор хўжаларининг кўзга кўринган вакили Хўжа Тожиддин (1574-1646) мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юкори мавке тутарди. Илк аштархонийлар даврида ҳам Бухоронинг хўжалар яшайдиган Жўйбор маҳалласи алоҳида ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этган. Талабалар қаҳрига учраган мударрислар, хон илтифотиға талабгор шахслар маслаҳат ва паноҳ сўраб Жўйборға, Хўжа Тожиддин ҳузуриға келишарди.

Хўжа Али Рометаний авлодларидан бўлган Хўжа Тохир Рометанийға омонат даъвосини килиб, кўпсонли толиби илмлар уни ўлдириш пайиға тушадилар. Хўжа Тохир Рометаний эса, паноҳ излаб Жўйборға, Хўжа Тожиддин ҳузуриға келади. Дарғазаб толиби илмлар бундан ҳабар топиб, Хўжа Тожиддиндан «гуноҳкор»ни беришни талаб килганларида, Хўжа Тожиддин уларни адлу инсофға чакириб, қазабларини пасайтиришға муваффақ бўлади ҳамда эртасиға Бухоро уламо ва козиларини чакириб, масалани тинч ўл билан ҳал этади. Хўжа Тохир Рометаний айбсиз деб топилиб, катлдан асраб қолинади [7] .

Саййидкули девонбеги бир мажлисда Мирза Шариф аъламни ҳақорат килиб, толиби илмлар қаҳриға учраганда ва ҳаёти ҳавф остида қолганда, Хўжа Тожиддин аралашуви билан қутқариб қолинади [8] .

Кўплаб соҳиби мансаблар Хўжа Тожиддинни ўзларининг пирлари ҳисоблаб, унға маънан итоат этганлар. Абдуллаҳон амирларидан бири Дўстим қушчининг Хўжа Тожиддинға ихлос-эътиқоди қучли эди. Хиндистон подшоҳларидан Шох Салим, Султон Хуррам, Хоразм подшоҳларидан Арабхон ва Исфандиёроҳон, Тошкент ҳукмдорларидан Турсун Дўстимхон, Андижон подшоҳларидан Абулой султон, Қошғар ҳукмдорларидан Оппоқхон ва Абдулқаримхонлар Хўжа Тоджиддинға бўлган ихлос-эътиқодлари юзасидан бир неча бор унға қимматли тухфалар жўнатганлар [9] .

Аштархоний Имомқулиҳон (1611-1642) ҳам Хўжа Тожиддиннинг диний-маънавий обрўси билан ҳисоблашар ва унинг илтимосларини инобатға оларди. «Матлаб ат-толибин» асарида келтирилишича, бир пайтлар Имомқулиҳон Қоклик мавзеида оху ови билан машғул эди, лекин ов бароридан келмади. Дарғазаб бўлган хон ўз лашкарларига шу атрофда яшовчи ўзбекларнинг мол-мулкини талон-торож қилишни буюрди. Оқибатда ақсарият аҳоли азият чекди. Шунда Имомқулиҳон хизматидаги Шуқурбий оталик ва Нодир девонбегилар таланган аҳолиға ҳайрихоҳ бўлиб, Хўжа Тожиддин олдига келдилар ҳамда ундан аҳолининг мол-мулкини қайтариб беришни хондан сўрашни илтимос қилдилар. Хўжа Тожиддин аралашуви билан аҳоли мол-мулки ўз эгаларига қайтаришди [10] .

Ўз навбатида Бухоро хони Имомкулихон ҳам баъзи ишларни Хўжа Тожиддин билан бамаслаҳат киларди. Айрим шахслар Хўжа Тожиддин тавсияси билан лавозимларга тайинланган. Имомкулихон амалдорларидан бири, накиб вазифасини эгаллаб турган Турсун Хўжа накиб вафот этгач, бу лавозимга киши тайинлаш учун Имомкулихон Хўжа Тожиддиндан маслаҳат сўраган ва унинг тавсияси билан бу лавозимга кекса бўлишига қарамай Иброҳим Хўжа тайинланган [11]. Бу шахс саййид Атоийлар авлодига мансуб эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, XVI аср охири-XVII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётни Накшбандия тарикати шайхлари иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Халим Тўраев
Бухоро Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди

[1] Мухаммад Носириддин Бухорий. Тухфат аз-зоирин. Тошбосма. Бухоро нашри, 64 б.

[2] Абдуллахон билан унинг ягона ўғли Балх ва Бадахшон ноиби Абдулмўмин ўртасидаги муносабатлар 1589 йилдаёқ ёмонлашган эди. Чунки Абдуллахон Хиротни эгаллагач, уни Абдулмўминга эмас, балки ўз амири Кулбобо кўкалдошга беради. Бунинг устига Абдуллахон ўзининг Хуросон ноиблари Кулбобо кўкалдош ва Динмуҳаммад султонга Абдулмўминга итоат этмаслик ҳамда қулай вазият тугилганда уни жисмонан йўқ қилиш тўғрисида фармон беради. 1598 йил бошларига келиб, Абдулмўмин отаси Абдуллахонга қарши очик қураш бошлайди. Лекин Бухоро ва Балх шайхлари аралашуви билан ота ва ўғил ўртасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий тўқнашувнинг олди олинади. Қаранг: Аҳмедов Б.А. Историко – географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. – Т.: «Фан», 1985. – 61-65 б.; яна қаранг: Мухаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели А.А.Семенова. – Т.:

«Изд-во АНУзССР», 1956. – 69-71 б.; яна қаранг: Мухаммад Толиб Хўжа. Матлаб ат-толибин. ЎзФА ШИ, қўлёзма, инв. №3757, 152 а

[3] Аҳмедов Б.А. Истори́ко – географическая литература, 105 б.

[4] Ўша асар, 106 б.

[5] Тухфат аз-зоирин, 65 б.

[6] Тухфат аз-зоирин, 65 б.; яна қаранг: Аҳмедов Б.А. Истори́ко – географическая литература, 106 б. Қўшинлар сони бўрттириб кўрсатилган бўлиши керак.

[7] Матлаб ат-толибин, 146 аб

[8] Матлаб ат-толибин, 147 аб

[9] Матлаб ат-толибин, 159 аб

[10] Матлаб ат-толибин, 147 б, 148 а

¹¹ Матлаб ат-толибин, 149 аб